

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман

МАТЕРИАЛАРИ

БУХОРО – 2021

Илмий – амалий анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2021 йилдаги Республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режасига кўра Бухоро давлат университетидида 2021 йилнинг 8 октябр куни “**Жаҳон тарихининг долзарб муаммолари**” мавзусида Республика миқёсида илмий-амалий анжумани белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Ҳайитов Ш.А. – БухДУ профессори, тарих фанлари доктори

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бухоро давлат университети ректори,
иктисод фанлари доктори , профессор

О.Х.Ҳамидов

Тарих ва маданий мерос факультети декани в.в.б.

Ж.Р.Жўраев

Жаҳон тарихи кафедраси мудир, тарих
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

О.Р.Рашидов

Жаҳон тарихи кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди

К.Ж.Рахмонов

Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, (PhD)

М.З.Орзиев

Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, (PhD)

Б.Н.Ризаев

Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси, (PhD)

Ж.Ш.Ҳайитов

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:

К.Ж.Рахмонов - Жаҳон тарихи кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди

Ш.М.Мирзоев - Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

Илмий-амалий анжуман материалларида чоп этилаётган мақола ва тезислардаги матн, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар

ўтган эди. ВКП(б) Марказий Комитети пленуми синфий душманларга қўл келадиган сохта хушёрликни партияга қарши эканини кўрсатиб, ҳадиксировчиларни қаттиқ қоралаган эди³¹³.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда мавжуд тузумни ислоҳ қилиш ва бошқарувга замонавий илм-фан ютуқларини жорий қилишга қаратилган миллий зиёлилар фаолияти большевиклар томонидан буржуа-миллатчилиги деб баҳоланди. Шўролар большевизмни ўлкада ҳукмрон партияга айлантиришда миллат манфаати йўлида курашувчи зиёлиларни асосий ғов деб билдилар. Большевикларнинг миллий зиёлиларига қарши олиб борган кураши оқибатида кўплаб маърифатпарварлар қатағон қилинди ва баъзилари ўз юртларини ташлаб муҳожирликка жўнаб кетишди.

УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИНИНГ КЎЧИРИШ СИЁСАТИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР (XVI-XX АСР БОШЛАРИ)

Ризаев Бахтиёр

*Бухоро давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси
катта ўқитувчиси (PhD)*

Усманийлар империяси мавжуд бўлган 1299-1922 йиллар ислом оламида ўзига хос ўринга эга эди. Бу даврда Олд Осиё ва Яқин Шарқ минтақасида юзага келган геосиёсий жараёнлар таъсирида империя ҳудуди аҳолисини кўчириш ёхуд янги кўчганларни жойлаштириш зарурияти пайдо бўлди. Империя маъмурияти XVI асрга қадар кўчириш сиёсати борасида қўлланиб келинган амалиётни ислоҳ қилишга тўғри келади. Жумладан, мамлакат сарҳадлари даҳилсизлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожантириш, халқаро майдонда нуфузни ошириш билан боғлиқ масалалар кўчириш сиёсатини янги усулда ҳал этишни талаб этарди. Кўп ҳолларда эса шошилиш ва фавқулотда чоралар кўришга тўғри келди. Кўчириш сиёсати борасида йиғилган тажрибалар эса янги муаммоларни зудлик билан ҳал этишга қодир бўлмай қолганди. Шу боис,

³¹³ ЎзР МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 1336-йиғма жилд, 233-варақ.

империя раҳбарлари кўчириш борасида янги механизмни татбиқ этишга қарор қилди. Аҳолини кўчиришнинг янги тартиби икки йўналишда амалга ошириладиган бўлди. Биринчи йўналиш маълум ҳудудда яшаб турган қабила ва халқни бошқа минтақага мажбуран кўчириш, иккинчи томондан империя ҳудудларига тўсатдан оммавий кўчиб келган иммигрантларни жойлаштириш;

Усманий давлатнинг Ўрта Анадолида ҳукумронлиги даврида бу ўлкага кўплаб туркман бойлари кўчирилди. Ҳукумат уларни Сурия ҳудудида жойлаштиришга ҳаракат қилади. Сурия ҳудудлари орқали ўтган ҳаж йўли устидан назрат ўрнатиш, зиёратчилар хавфсизлигини таъминлаш кўчиришнинг асосий мақсадлари қилиб олинди.

1516 йилда Султон Салим ҳозирги Сурия ҳудудларини қўлга киритгач, зиёратчилар хавфсизлиги таъминлаш мақсадида бу ерга туркларни кўчиришга қарор қилди. Сурия тупроқларида амалга оширилган кўчириш сиёсатидан Усманийлар ҳукумати икки мақсадни, яъни, ички хавфсизликни таъминлаш орқали савдо-иқтисодий муносабатларни барқарор ривожланишига эришиш, ҳаж зиёратчиларини империя ҳудудида хавфсизлигини таъминлашдан иборат эди. Шунинг учун кўчирилган туркман аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳукумат қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, кўчирилганлар солиқ юкидан озод этилди, ҳамда уларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди. Қолаверса, Сурия ҳудудларига кўчманчи-чорвадор турк ва курд қабилалари ҳам кўчирилди. Бундан мақсад қабилаларни ўтроқлаштириш ва давлат хавфсизлигини таъминлаш эди.

Усманийлар империяси ҳудудудида кўплаб маданият марказлари-шаҳарлар мавжуд бўлган. Мусулмон давлатлари билан Усманийлар ўртасидаги маданий алоқалар таъсирида Шарқ мамлакатларидан кўплаб диний – уламолар ва муҳаддис олимлар Туркияга кўчган эди. Ушбу кўчиш Туркия тарихшунослигида интеллектуал ёки маданий кўчиш сифатида тақдим этилади. Мисол учун Анадолуда жойлашган илмий муассасада дунё маданияти марказлари ҳисобланган Миср, Сурия, Эрон ва Туркистон ҳудудларидан келган

кўплаб олимлар фаолият юритган. Шу билан бирга Эрон, Сурия, Моворауннахр, Мисрдан машхур олимлар Туркияга таклиф этилиб, ёшларга таълим-тарбия беришга жалб этилган.

XIX аср XX асрнинг биринчи ярмида кўчириш сиёсати мазмуни ва характери ўзгарди. Жумладан, 1768 йилда Россия билан курашда мағлубиятга учраган кавказликларнинг Анадолу худудига оммавий миграцияси бошланди. Кавказ, Кирил, Боти, Россия, Шарқий Туркистондан Истанбул ва Анадолуга черкес, озарлар, татар, грузин, турк, туркман ва чеченлар кўчди. XIX аср Кавказдан Анадолуга томон бошланган кўчишлар Усманийлар империяси демографиясига жиддий тасир кўрсатди. Аҳоли сони кескин ортиб кетиш хавфини вужудга келтирди. Кавказликларнинг биринчи оқими 34 минг 436 нафар бўлиб, улар Сурияда жойлаштирилди. Иккинчи оқим 15 минг 586 нафари Ҳалабда жойлашди. Ўз навбатида черкеслар жанубий Мармар ва Сурия билан Урдун³¹⁴ худуди орасидаги Голан тепаликларидаги бўш ерлардан қўним топдилар. 1882 йилда Истамбулга келган черкеслар ва бошқа иммигрантлар Ускудорда вақтинча ташкил этилган ҳарбий лагерга жойлаштирилди. Иммигрантларни Сурия, Байрут ва Урдун каби ўлкаларда жойлаштириш жараёни Усманий империяси уй-жой сиёсатига кучли таъсир ўтказди.

Абдулҳамид II (1876—1909 йиллар) даврида Усманийлар ўзаро урушлардан кучли азият чекаётган, мамлакат иқтисодийети ачинарли аҳволга келиб қолганди. Ишлаб чиқариш соҳаларида ишчи кучи етишмаслиги, Россия томонидан рағбатлантирилаётган “Панисломизм” сиёсати Туркия манфаатларига зид бўлди. Абдулҳамид Прусларни “Панисломизм” сиёсатига қарши “Иттиҳо-ди ислом” ғояларини кучайтиришга эътиборни қаратади. Бу мақсадни амалга ошириш асносида ҳукумдор кўчириш сиёсатини тартибга солишга мўлжалланган янги қонун лойиҳасини тасдиқлашни режа қилди. Тез орада қабул қилинган янги қонунда империя худудига кўчган мусулмон аҳоли учун кўпдан-кўп имтиёзлар берилди. Кўчирилган аҳоли халқ хўжалиги

³¹⁴Қора денгиз соҳилида жойлашган шаҳар

тармоқларини ишчи кучига бўлган эҳтиёжини қоплаш, Анadolуда мусулмон аҳолиси самоғини орттириш ва турк армияси таркибини тўлдиришга хизмат қилди. Масалан, 1920 йилга қадар Усманий империяси худудларига кўчиб келган черкеслар Хижоз темир йўли хавфсизлини таъминлашга жалб этилган.

Кавказдан Сурияга кўчирилган аҳолини кўпчилиги тезда адаптация бўлиб, муқум яшаб қолган бўлса, баъзилари мамлакат иқлим – шароитларига мослаша олмаслиги ёки маҳаллий аҳоли билан низолар туфайли ўз ватанларига қайтишни талаб қила бошладилар. Уларнинг талаблари 1878 йилда имзоланган “Берлин трактати” деб номланган шартнома билан қаноатлантирилди. Лекин Сурия худудида яшаётган баъзи араб қабилари томонидан турклрға ўтказилган тазйиқлар туфайли улар Анadolуга кўчишга мажбур бўлишди. Араблар таъсирида бошланган миграция Усманий империяси иқтисодий ҳамда сиёсий аҳволига жиддий таъсир кўрсатди. Натижада империя ҳукумати бу худуддан туркманларни кўчириш тадбирлари билан ёнма-ён араблар хужуми хавфини олдини олиш мақсадида Ракка ўлкасига турк миллати вакилларини кўчирилишини ташкил этади.

Биринчи жаҳон уруши даврида арабларнинг миллатчилиги кучайиб, 1916 йил Шариф Ҳусайин бошчилигида қўзғолон бошладилар. Қўзғолон ҳукумат томонидан бостирилиб, Сурия, Хижоз ва Месопотамияда яшаган 5 минг атрофидаги оила Араб, Боти³¹⁵, Анadolу ўлкаларига кўчириб жойлаштирилди.

XIX асрда пайдо бўлган “миллатчилик” ва Биринчи жаҳон урушининг бошланиши Усманийлар империяси худудида озодлик ҳаракатларни авж олишига туртки берди. Жумладан, тарихда “арманлар масаласи” билан маълум бўлган, арманларнинг Сурияга кўчирилиши воқеаси бугунги кунга қадар баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Европа давлатлари Россия билан иттифоқда Усманийлар мулкларига хуфёна ёки тўғридан-тўғри даво қилиш ҳолатлари кучайди. Бу вазиятда мамлакат хавфсизлиги ҳар нарсадан устун турарди. 1915 йил 27 майда ҳукумат томонидан тасдиқланган ва 1 июн

³¹⁵Эфиопия марказида жойлашган шаҳар

матбуотда эълон қилинган “Кўчириш” қонунда кўчириш тадбирлар давлат хавфсизлиги доирасда амалга оширилиши белгиланди. Биринчи жаҳон уруши арафасида Европа ва Россия давлатлари аралашуви тасъсирида империя таркибидаги ғайримусулмон аҳолини озодлик ҳаракатлари авж олдирилди. Дастлабки ғалаёнлар Ван³¹⁶, Муш³¹⁷ ва Битлида³¹⁸ бўлиб ўтади. Ҳукумат эса эҳтиёт чораларини қўллай бошлади. Яъний 1915 йилда тартибсизликлар ташкил этишда гумон қилиниб бир неча арманлар қўлга олинди. Арманлар бу кунни “геноцид куни” сифатида хотирлайдилар. Янги қабул қилинган “кўчириш” қонуни асосида арманлар ўзлари яшаб турган ҳудудлардан мажбуран кўчирила бошлади. Ички ишлар Вазри Талъат Подшо Эрзрум, Ван ва Батуми³¹⁹ вилоятларидан кўчирилган арман мигрантларини жанубий Мосул, Зор³²⁰ санжак ва марказдан олисда Урафа³²¹ санжакка жойлаштиришга кўрсатма берганди. Адана, Ҳалаб, Мараш³²² атрофларидан кўчирилган арманлар эса жанубий Сурия билан Ҳалабда жойлаштирилди. Туркиянинг марказий ҳудудларида истиқомат қилиб келган кўп сонли арман миллати вакиллари ҳам айни шу даврда Сурия ҳудудларига кўчирилганди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида келиб чиқиши турк бўлан курдлар арманлар ва руслар таъкибидан қочиб ғарбий минтақаларга кўчдилар. Уларнинг кўпчилиги Сурияда ўрнашиб қолди.

Арманларнинг турклар томонидан депортацияга учраётганлиги гувоҳи бўлган несторианлар Анадолу ва Ироқ ҳудудларида норозилик намойишларини уюштирдилар. Намойишларни бостиришга киришган ҳукуман Диёрбакр, Чизре³²³ ва Мидят³²⁴ да яшовчи Сурия христианлари қаршилигига дуч келди. Империянинг турли ҳудудларида аланга олган норозилик

³¹⁶Шаркий Туркияда жойлашган шаҳар

³¹⁷Ғарбий Арманистон

³¹⁸Шаркий Туркия

³¹⁹Замонавий Грузия

³²⁰Дейр-а-зор шаҳри

³²¹Туркия ва Сурияни бир қисми

³²²Жанубий-шарқий Туркия ҳозирги Қахрамонмараш шаҳри

³²³Жанубий-шарқий Туркия

³²⁴Шаркий Туркияда жойлашган шаҳар

чиқишлари айирмачлик, миллатчилик ва диний ақидапарстлик руҳидаги қўзғолонларга айланиб кетди. Куч билан бостирилган қўзғолонлар ташкилотчилари Усманий тизимини муҳим жазо тури - сургун этиш билан жазоландилар. Натижада минглаб ғайримусулмонлар турли юртларга мажбурий кўчирилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, XIX аср охирлари XX аср бошларда Усманийлар империяси кўчириш сиёсати муваффақиятсизликка учради. Хорижий давлатларнинг империя ички ишларига қўпол тарзда аралашуви, Усманийлар империяси аҳоли таркибини муракаблиги, миллий ҳамда диний этник низоларнинг авж олиши кўчириш тадбирларини бесамар кетиши омилига айланганди. Шу билан бирга, бугунги кунда яқин Шарқ минтақасидан Туркияга кузатилаётган оммавий миграция жараёнларини бошқариш, таҳлил этиш ва ижобий йўл танлашда Усманийлар империяси кўчириш сиёсати тарихий тажрибасини илмий тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Maden Fahri. **“Suriye'nin Türkiye Geçmişi”**, Türk Yurdu Dergisi, **2014**. 103 (317): 17-21.<http://www.turkyurdu.com.tr>. [21.10.2020].
- 2.Hızlı Mefail. **“Anadolu’daki Osmanlı Medreseleri: Bir İcmal”**. Türkiye Araştırmaları Literatür Dergisi, **2004**. 2 (4): 371-409.
- 3.Bozkurt Nebi. **“Medrese”**. TDV İslam Ansiklopedisi, **2003**. 323-327.
- 4.Efe Haydar. **“Osmanlı İmparatorluğu ve Türkiye’de Yaşanan Göçler Ve Etkileri”**. Sosyal Bilimler Metinleri, **2018** (1):16-27. <http://www.dergipark.org.tr>. [21.10.2019].
- 5.Sofuoğlu Ebu Bekir ve Akvarup, İ. Nur. **“Osmanlı Devleti’nde Millet Sistemi ve Süryaniler”**. Akademik İncelemeler Dergisi, **2012**(1): 71-87
- 6.Halaçoğlu Yusuf. Ermeni Tehciri ve Gerçekler. **Ankara: Babıali Kültür Yayınları, 2001**

БУХОРО АТРОФИДАГИ “КАНПИРАК ДЕВОРИ” ТАРИХИ ХУСУСИДА

Самадова Кимёнисо

*Бухоро тарихи йўналиши 3 курс талабаси
(Илмий раҳбар: Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси
т.ф.ф.д.(PhD) Аъзам Болтаев)*

Ўрта Осиёдаги аксарият шаҳарлар мудофаа деворлари билан ўралган. Шарқда шаҳарсозлик анъаналарига эътибор берадиган бўлсак, работлар шаҳар мақомини олиш учун албатта мудофаа девори билан ўралган бўлиши керак бўлган.

Шаҳарсозлик мажмуи – меъморчилик ва қурилиш бунёдкорлиги, жамиятнинг ижтимоий тизими ва ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёт даражаси, маданияти, табиий иқлим шароитлари ва миллий ўзига хослиги билан белгиланади. Марказий Осиё шаҳарсозлик маданияти белгиларидан бири – шаҳарнинг қалъа ва дарвозаларга эга бўлиши билан ажралиб туради.

Аҳоли орасида мудофаа деворларини қуришга турли эҳтиёж ва сабаблар бўлган. Жумладан, шаҳарнинг шаҳристон қисмини рабод қисмидан ажратиш, шаҳар чегарасини белгилаш ва асосийси кўчманчи босқинчилардан ўзларини ҳимоя қилиш учун бунёд этилган. Шунингдек, шаҳар деворларидан ташқари воҳа атрофлари ҳам девор билан ўраб олинган.

Бухоро шаҳристонини илк ўрта асрлардаёқ ўзининг мудофаа девори ва дарвозаларига эга бўлган. Шунингдек, воҳадан ўтган қадимий мудофаа девори “Канпирак девори” ҳам кўчманчи халқларнинг тажовузидан сақланиш учун қурилган. Наршахийнинг ёзишича, “VIII асрда Халифа Махди замонида Хуросонга ҳоким қилиб тайинланган Абул Аббос бинни Фазл бинни Сулаймон ат Тусини табриклаш учун 782-йилда Мовароуннаҳрнинг ҳукмрон табақа вакиллари Марв шаҳрига унинг ҳузурига келганлар.

Хуросон ҳокими Бухоро воҳасидан келган аъёнлардан уларнинг мамлакатадаги аҳвол ҳақида сўраганда, улар воҳа аҳолиси атрофидаги кўчманчи турк қабилаларининг босқинчилик ҳужумларидан кўп талофат кўраётганидан шикоят қилган. Хуросон ҳокими бунга қарши қандай чора

кўриш лозимлигини сўраганда, шу ердаги Соғд подшоси Язид бинни Ғурак Соғднинг қадимги бир хотун подшоси замонида воҳа атрофи девор билан ўраб олинганлиги ва шундан сўнг Соғд аҳолиси кўчманчи турк қабиляларининг ҳужумларидан тинчиганлигини айтган. Шундан сўнг Хуросон ҳоқими Абул Аббос Тусига шу даврдаги Бухоро амири Муҳтадий ибн Ҳаммод ибн амир аз-Зухлийга Бухоро атрофини девор билан ўраб олишга рухсат берди ва девор 830-831 йилда Муҳаммад ибн Яҳё ибн Абдуллоҳ ибн Мансур ибн Ҳалжад ибн Вароқнинг даврида қуриб битказилди”³²⁵.

Наршахийнинг маълумотидан кўриниб турибдики, Бухоро атрофини Канпирак девори билан ўраб олиниши воҳанинг ўтроқ аҳолиси ва деҳқончилик билан шуғулланадиган ҳудудларини чорвадор-кўчманчи қабиляларнинг ҳужумидан сақлаш учун сабаб бўлган.

Канпир девор (Девори канпирак) атамаси Ўрта Осиёда деҳқончилик воҳаларини кўчманчилар ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида барпо этилган мудофаа иншоотлари тизимини англатади. “Канпир девор” сўзининг маъноси қазилган чоҳ демакдир. Талаффузда “н” билан “м” алмашуви кузатилади. “Пир” бўғини эса қадимги пайрйа – айлана, ўров маъносида. Демак, кан(м)пир сўзининг ўзи ҳандакли девор дегани. Девор сўзи “канпир” сўзининг туб маъноси унутилганда қўшилган.

Археолог ва тарихчи олимлар Ўткир Алимов ва Мирсодиқ Исҳоқовнинг фикрича, илк ўрта асрларда Бухоро воҳасидан ташқари минтақамизда тўртта Канпирак девори мавжуд бўлган.

Биринчи Канпирак девори - қадимги Бухоро воҳасидаги шаҳар, қишлоқларни ўраб олган мудофаа девори. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асаридаги маълумотга кўра, Канпирак девори 782 – 831 йилларда қурилган. Араб тарихчиси ва сайёҳи Масъудий (956 йил вафот этган)нинг ёзишича, Канпирак девори қадимги Суғд подшолари замонида (V – VI асрлар) бино қилинган. Бу деворнинг узунлиги 336 км бўлган. Иккинчи Кампирак девори -

³²⁵ М.Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Шарқ баёзи, 1993. -Б 34.

Қадимги Суғд воҳасини ўраб олган девор VIII аср охири – IX аср бошларида бино қилинган бўлиб, унинг узунлиги 120 км. Учинчи Канпирак девори - қадимги Уструшона воҳасини ўраб олган. Бу деворлар сунъий кўтарма ҳолда сақланган. Тўртинчи Канпирак девори - қадимги Фарғона водийсининг ғарбида VIII аср охири – IX аср бошларида бино қилинган³²⁶.

“Канпир девор” ҳақида тадқиқотчи Х. Муҳаммедов бошқача фикр ҳам билдириб ўтади. Яъни, VIII асрда араб халифалигига қарши Марказий Осиёнинг барча ҳудудида халқ кўзғолонлари авж олади. Шу даврда кўчманчи қабилалар эса босқинчилик ва талончилик юришларини амалга оширмай, ташқи истилолар даврида ўтроқ аҳолининг чет эл босқинчиларига қарши ҳаракатларини қувватлаган ва бевосита ёрдам ҳам берган. Бу ҳодисани айниқса Муқанна кўзғолонида пайқашимиз мумкин.

Агар кўчманчи қабилаларнинг ёрдами бўлмаса араб ҳукмдорлари ва маҳаллий феодалларнинг кўзғолонни бостириши осон кечар эди. Улар эса ўтроқ аҳолини ташқи ёрдамдан маҳрум этиш ва уни доимий итоаткорликда сақлаш учун воҳа атрофини мустаҳкам девор билан ўраб олинишидан манфаатдор эдилар. Шу сабабли улар “Канпирак девори” қуришига рухсат берган бўлиши ҳам мумкин.

Ибн Хавқалнинг “Китоб сураат ал-ард” китобида “Бухоронинг кўп сонли рустоқлари, бой ва гуллаб-яшнаган ноҳиялари, катта вилоятлари ва гуллаб-яшнаган қишлоқлари бўлиб, мазмуни ва шаклига кўра бирор бир мамлакат аҳлидаги қишлоқлар уларникига ўхшамайди. Булар ад-Дар, Барғидар, Сатижон, ат-Тавоис, Бардақ, Қуйи Харғона, Нақрина, Нажор Хитфар, Кохуштувон, Андийон Кандийон, Орқо Сомжан, Пастки Сомжан, Қуйи Фаровуз, Юқори Фаровуз ва Арвон каби рустоқлардир. Бу рустоқларнинг ҳаммаси Бухоро вилоятининг тусиқ каби ўраб турувчи девор ичида жойлашган. Бу деворнинг ташқари томонида эса Худа, Шобхаш, Нашар, Карминийа, Юқори Харғона,

³²⁶ Шуҳратов Ж. Ўзбекистонда Хитой деворига тенглашадиган девор борми? <https://www.xabar.uz>

Ғарқанд, Байқанд ва Ғарабр рустоқлари жойлашган”³²⁷. Истаҳрий ўзининг “Китоб ал-масалик вал-мамалик” асарида Бухоро атрофини 22 рустоқ яъни работга бўлади. Унинг ёзишича, мана шу 22 работдан 15 таси Канпирак деворининг ичкарида, 7 таси эса Канпирак деворининг ташқарисида бўлганлигини қайд қилади³²⁸.

Сомонийлар даврида мамлакат худуди кенгайиши натижасида Канпирак деворини кенгайтиришга эҳтиёж туғилди. Араб халифалигидан мустақил равишда фаолият кўрсатган Сомонийлар давлатига 874 йилда Исмоил Сомоний келгач бу давлат ўзининг қудрати, ҳарбий салоҳияти, душманга қарши армиянинг мунтазам қурол-яроғ билан таъминланганлиги билан машҳур бўлган. Сомонийлар давлатининг асосчиси амир Исмоил Сомоний «То мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан» деган. Исмоил Сомоний девор қурилиши, таъмирланиши ва кенгайтириш учун қилинадиган харажатларни бекор қилади ҳамда бу маблағларни ҳарбийлар маошини оширишга сарфлайди. Бунинг натижасида Канпирак девор ўз аҳамиятини тамоман йўқотди.

Канпир деворни ўрганиш ишлари дастлаб рус олими Н.Ф.Ситяковский бошлаб берган. У 1898 йили Қизилтепа ва Зарафшон дарёсининг чап қирғоғида жойлашган Хазора номли истехкомлар оралиғида бир неча жойда Канпир деворнинг харобаларини биринчи бўлиб топган. Кейинчалик шу ҳудуддаги девор харобаларини 1915 йилда Л.А.Зимин кузатган.

1934 йил профессор А.Ю.Якубовский бошчилигида экспедиция Канпир деворнинг Бухоро воҳасини шарқ томондан ўраган қисми харобаларини ўрганади. Кейинчалик бу ишларни М.Е.Массон ва В.А.Шишкинлар давом эттиришади. Маҳаллий археологлардан Я.Ғуломов 1953 йил Рометан туманида жойлашган Қоравултепа атрофида Канпир девор харобаларини кузатган.

³²⁷Ибн Хавқал. “Китоб сурат ал-ард” Мовароуннаҳр қисми / (араб тилидан таржима, изоҳлар муаллифи Ш.С.Камолиддин). – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – Б. 44.

³²⁸Истаҳрий. Китоб ал-масалик вал-мамалик / (Тадқиқот, араб тилидан таржима, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Р.Т.Худайбергенов). – Тошкент: Фан, 2019. – Б. 150.

махсус тарихий – этнографик тадқиқот олиб борган Е. М. Пещерева Яғноб, Қоратегин, Ҳисор, Болжувон каби тоғлик тожикларнинг сутли таомлари ва улар билан боғлиқ урф – одатларни ёритиб берган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб анъанавий таомларга алоқадор бўлган этнография борасидаги илмий изланишлар янада бойиб борди. Воҳада қадимдан ўзбеклар билан бирга тожиклар ҳам яшаб келганлиги боис, уларнинг урф – одатлари бир – бирига яқин бўлган. Тожик халқи таомларининг Бухоро воҳаси тожиклари таомларига хос умумийлиги ва ўхшашлигини шу даврда ёритилган бир қатор асарларда кўриш мумкин³⁹⁷.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – 216 б.;
2. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Т.: Фан, 2008. – 290 б.;
3. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 1998. – 110 б.;
4. Файзуллаева М. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар (*Сурхон воҳаси мисолида*). Т. “Янги нашр” 2010 у. – Б. 7
5. М.Жўраев, Л.Худойқулова: Маросимнома. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент 2008.
6. Ҳаёт Исмоилов: Ўзбек тўйлари: Тошкент//Ўзбекистон' 1992

³⁹⁷ Файзуллаева М. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар (*Сурхон воҳаси мисолида*). Т. “Янги нашр” 2010 у. – Б. 7

Мундарижа

Сўзбоши.....	3
Абдуллаев Диёржон. Жахон цивилизацияси ҳамда Марказий Осиё халқлари ҳаётида мукофотлаш анъанаси, тарихий босқичлари ва уларнинг аҳамияти.....	5
Абдурасулов Шохрух. Ислом цивилизацияси ва Тошкент олимлари....	11
Азимов Хуршид. Қадимги Хитой манбаларида Марказий Осиё атамаси ва унинг таҳлили.....	15
Айматова Зарнигор. Ўрта Осиё мусулмонларнинг ҳаж зиёрати йўналишлари тарихидан (XIX аср охири XX аср бошларида).....	18
Акрамов Достон. Совет ҳокимиятининг “маданий инқилоби” ва унинг Ўзбекистон илмий ҳаётига таъсири.....	22
Аҳмадов Олимжон. Бухорода янги усул мактаблари фаолияти.....	26
Аҳмадов Хуршид. Осиё халқларида металсозлик ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	31
Аҳмадов Ҳумоюн. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистоннинг Буюк Британия билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши.....	35
Бақоев Умиджон.Оле Олуфсен тадқиқотларида Бухоро амирларининг саройлари.....	39
Бобожонова Феруза. Бухоро мадрасалари тарихининг мустақиллик йилларида тарихшунослик масалалари.....	43
Болтаев Бобур. По пути к реформам музейного дела в Узбекистане	47
Дармонова Машҳура. Тошкент шаҳар марказий давлат архивидаги ижтимоий-маданий ҳаётга оид жамғармалар таҳлили.....	52
Джураев Шодмон, Муртазоев Шаҳоб. Некоторые черты развития современной философии.....	56
Жамолова Дилноза. Домла Икромнинг “Машхур бидъатлар баёни” асарида Бухоро жамиятидаги муаммолар таҳлили	60
Жамолова Мафтуна. Абдурауф Фитратнинг жадидчилик ғоялари.....	67

Жумаева Нилуфар. Мусулмон ренессанси – Шарқ тамаддуни жавохир....	72
Зойиров Фирдавс. Ўзбекистон - Ҳиндистон: ўзаро муносабатларни ривожлантириш ва узок муддатли истиқбол.....	76
Ибрагимов Рахмон. Чирчиқ микровоҳасининг антропоген ўзлаштириш тарихидан.....	81
Иноятов Сулаймон. Жаҳоний шухрат соҳиби бўлган жадидлар сардори.....	86
Йўлдашев Абдували. XX аср бошларида Туркистон ёшларининг Туркияда таълим олишига доир.....	92
Йўлдошев Акмал. Марказий Осиёдаги ўзбекларининг матбуот органлари фаолияти.....	97
Каримов Сухроббек. Краткий обзор на взаимоотношения Узбекистана и движения “Талибан”, на фоне захвата талибами власти в Афганистане в 2021 году.....	101
Каримова Феруза. Дунё илмида “Авесто” ва олов култига алоқадор қарашларнинг этник ва анимистик талқинлари.....	105
Қаюмов Тошпўлот. Умумтаълим мактабларида гуманитар фанларни ўқитишда хорижий нашрлардан фойдаланишнинг педагогик аҳамияти.....	107
Қудратов Шухрат. Бухоро амирлигининг Европа ва Америка мамлакатлари билан савдо алоқалари.....	111
Мажидов Жўрабек. Совет ҳукумати йилларида Бухорода автотранспорт муаммолари.....	116
Мамахонова Нуразимхон. Ўзбекистон – Германия: самарали алоқаларнинг кенг истиқболлари.....	122
Махмудов Акмал. Усмонхўжа Пўлатхўжаев ва турк сиёсий арбоблари.....	127
Мирзааҳмедова Гулшаной. Қўқон матбаа мактаби ва унинг тарихимизда тутган ўрни хусусида.....	130
Мирзаев Гулом. Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида “Марказий Осиё руҳи”..	139
Ўрзоев Шарифжон. БХСР-Туркия Республикаси ҳамкорлик масалалари	

рихидан	145
Муродова Дилрабо. XX асрнинг 30-йилларида Бухоро давлат педагогика институти фаолияти.....	150
Назарова Саодат. Муҳиддин Қори Ёқубов - ўзбек сахна санъатини жаҳонга танитган санъаткор.....	155
Оstonов Жаҳонгир. XX асрнинг 20 йилларида Афғонистон ва Бухоро алоқалари.....	159
Охунжонова Шаходат. Тошкент савдогарларининг ҳорижий мамлакатларга савдо сафарларининг ютуқ ва муаммолари (1991-2020 йиллар).....	163
Очилов Фаррух. Европа антикшунослиги масаласи – жаҳон тарихининг долзарб муаммоси сифатида.....	169
Равшанов Шербек. Туркистонга Россия империяси аҳолиси миграциясининг ижтимоий тарихи.....	173
Ражабов Қаҳрамон. Жаҳон мамлакатларининг классификацияси.....	177
Ражабов Ойбек. Бухоролик ўрта аср исломшунос олимлар.....	185
Раҳматов Рамшод. Сибир хонлигининг Бухоро билан иқтисодий алоқалар тарихи.....	189
Раҳмонов Камол. Афғонистоннинг XX аср 20-йиллари даври тарихини ўрганишга доир айрим мулоҳазалар	192
Рашидов Ойбек. Ўзбекистонда миллий зиёлилар ва большевикларнинг мафкура майдонида кураши мавзусининг манбашунослиги таҳлили.....	197
Рашидов Ойбек. СССРда Сталин қатағонларининг бошланиши.....	203
Ризаев Бахтиёр. Усманийлар империясининг кўчириш сиёсатига доир мулоҳазалар (XVI-XX аср бошлари).....	207
Самадова Кимёнисо. Бухоро атрофидаги “Канпирак девори” тарихи хусусида.....	212
Саъдуллаева Вазира. “Бухоро амири хазратларининг кундалиги” асари асосида Россияда таълим масалалари.....	217
Тўраев Анвар. Бухоро туркманлари билан боғлиқ жой номлари	

таҳлили.....221

Ўтаева Феруза. Бухоро тарихини ўрганишда археологик тадқиқотларни ўрни.225

Ҳайдарова Ҳанифа. Носир Хисравнинг жаҳон фалсафасидаги ахлоқий ғоялар228

Ҳайитов Жаҳонгир. Жаҳондаги миграция жараёнларининг экин навларини тарқалишига таъсири.....232

Ҳайитов Шодмон. 1914 – 1918 йилларда Россия – Эрон, Россия – Афғонистон чегарасидаги аҳволга доир (архив ҳужжатлари асосида).....236

Ҳакимова Гулноза. Бухоро амирлиги таркибига кирувчи Жанубий Туркистондаги ўзбек бекликларининг сиёсий ҳаётига бир назар.....241

Халилова Зилола. XX асрда хорижий шарқ мамлакатларида таълим ислохотлари ва унинг Марказий Осиёга таъсири246

Ҳамроев Дилмурод. Ўзбекистонда иқтисодий ўзгаришлар жараёнининг расмий матбуотда ёритилиши253

Ҳасанов Камолиддин. Ўзбекистон ва Туркия абадий дўстлик сари.....256

Шарипов Умид. Дунёвий бошланғич таълимнинг вужудга келиши тарихига бир назар.260

Элова Дилноза. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонга янги ҳарбий курул – яроғларнинг кириб келиши тарихи.....263

Эргашев Ақобир. “Осор ул бокия” асарида халқ таквимлари.....268

Эрназаров Шермуҳаммад. “Цивилизация” тушунчаси хусусида айрим мулоҳазалар.....270

Юсупова Манзура. Сайёҳлар томонидан Бухоро воҳаси маросим таомларининг ўрганилиши.....274

